ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021

УЎК: 342.8(083.132)
КБК: 67.400.5
С 22

С 22 **Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма.** – Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази 2021 й. – 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:
Қ.Қуранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икрамов, Х.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8 **УЎК: 342.8(083.132)**
КБК: 67.400.5

Тузувчилар: *Ш. Файзиев, Х. Мухамедов, А. Йўлдошев, Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков, Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев, Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов*

ISBN 978-9943-7293-0-8

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021
© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021

Азиз Йўлдошев, *юридик фанлари номзоди*

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР КУЗАТУВЧИЛАРИ

Сайлов жараёнида иштирок этувчи халқаро ташкилотлар

Сайловларда кузатув институти, жумладан халқаро кузатув, бир томондан, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида амалдаги миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга мувофиқ сайловлар очиқлиги ва шаффофлигини таъминласа, иккинчи томондан, кузатув давомида сайлов жараёнида йўл қўйиладиган камчиликлар, шу жумладан сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олишга хизмат қилади. Ҳукуматлараро ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар ва ассоциациялар сайловлар халқаро кузатувини амалга оширадилар.

Ўзбекистон аъзо бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия қўмитаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа ташкилотлар томонидан халқаро кузатувни ташкил этиш тўғрисида тегишли қоидалар қабул қилинган. Ушбу қоидалар БМТ томонидан 2005 йил 27 октябрда эълон қилинган Сайловларни халқаро кузатиш принциплари тўғрисидаги Декларацияси ва унга илова қилинган Сайловларда халқаро кузатувчиларнинг ахлоқ кодекси қоидалари асосида ва уларни амалга ошириш мақсадида тайёрланган.

Сайловларни халқаро кузатиш принциплари тўғрисидаги Декларацияда сайловларни халқаро кузатиш сайлов ўтказишга тааллуқли қонунлар, жараёнлар ва институтлар тўғрисида ҳамда сайлов ўтказишнинг умумий вазиятига тегишли бошқа омиллар ҳақида тизимли, ҳар томонлама ва батафсил ахборот тўплашни; бундай ахборотни холисона ва малакали таҳлил қилишни; ҳамда ахборот тўғрилиги ва таҳлил холислигига нисбатан энг юксак стандартлар асосида ва сайлов жараёни хусусиятига нисбатан хулосалар билдирилиши қайд этилган. Шунингдек, сайловларни халқаро кузатиш доирасида мумкин қадар сайлов жараёни ва у билан боғлиқ жараёнлар обрўси ва самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар таклиф қилиш, бунда шу каби жараёнларга аралашишга йўл қўймаслик ва уларнинг амалга оширилишига халақит бермаслиги таъкидланган.

Мамлакатимизда сайловлар халқаро кузатуви миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилади. Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 938-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низом тасдиқланган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 8 ва 33-моддаси, шунингдек, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар фаолияти тартибини белгилайди.

Ўзбекистондаги сайловларда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари хорижий (халқаро) кузатувчи сифатида иштирок этадилар. Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан сўнг МСК хорижий давлатлар сайлов органлари ва халқаро ташкилотларга Ташқи ишлар вазирлиги орқали таклифнома юборади. Ташқи ишлар вазирлиги ўз ташаббусига кўра ёки давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, бошқа ташкилот ва муассасалар таклифларига кўра сайловларга хорижий (халқаро) кузатувчиларни таклиф этади.

Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар тегишли ҳужжатларни овоз бериш кунидан камида ўн кун олдин тақдим этиши лозим. Ташқи ишлар вазирлиги тегишли хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг ҳужжатларини илова қилган ҳолда МСКга тақдимнома киритади. МСК беш кунлик муддатда хорижий (халқаро) кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Аккредитация қилинган хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг рўйхати МСК нинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

МСК аккредитация қилинган хорижий (халқаро) кузатувчига мандат беради. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколат муддати уларга мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди. Хорижий (халқаро) кузатувчининг мандати унинг мақомини тасдиқловчи ҳужжатдир. Мандат хорижий (халқаро) кузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириши учун асос ҳисобланади. МСК томонидан такрорий

овоз бериш ёки такрорий сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда хорижий (халқаро) кузатувчилар мандати тегишли муддатга узайтирилади.

Мамлакатимизда хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг иштироки кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда ўтказилган 2014 йилдаги Парламент сайловида ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИҲБ), МДҲ ижроия қўмитаси, ШҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси каби халқаро ташкилотлар миссиялари таркибида 334 нафар хорижий (халқаро) кузатувчилар қатнашганлар. 2019 йилги сайлов кампаниясида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таклифига асосан, 9 та халқаро ташкилот ва 41 та хорижий давлат вакилларидан иборат жами 825 нафар хоиржий (халқаро) кузатувчилар иштирок этишди.

ЕХҲТ ДИИҲБ сайловларни кузатишдаги иштироки

ЕХҲТнинг 1990 йилги Копенгаген ҳужжати давлатлар томонидан тузилган, мунтазам равишда ўзаро кузатувчилар таклиф этиш йўли билан сайлов жараёнининг бориши устидан кузатиш таъсис этилган биринчи сиёсий битим бўлди. ДИИҲБнинг сайловларни кузатиш соҳасидаги мандати Копенгаген ҳужжатининг 8-бандидан келиб чиқади ва 1990 йилги Янги Европа учун Париж хартияси, 1993 йилги ЕХҲК Вазирлар кенгашининг Рим учрашуви ҳужжати, 1994 йилги олий даражадаги Будапешт учрашуви ҳужжати ва 1999 йилги олий даражадаги Истамбул учрашуви ҳужжати (Европа хавфсизлиги Истамбул хартияси) билан тасдиқланади. 1994 йилги олий даражадаги Будапешт учрашуви ДИИҲБ сайловларгача, сайловлар давомида ва сайловлардан кейин сайловларни кузатишда кенгроқ иштирок этиши кераклигига қарор қилинди.

ЕХҲТнинг иштирок этувчи давлатлари демократик бошқарув ва инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш бўйича зиммаларига қатор мажбуриятлар олган. Бу мажбуриятларнинг бевосита сайловларга тааллуқли қисми Копенгаген ҳужжатида (6–8 бандлар) баён этилган. ЕХҲТ иштирок этувчи давлатларига ушбу мажбуриятларни самарали бажаришларига ёрдам кўрсатиш учун ДИИҲБнинг сайловларни

кузатиш бўйича услубиёти ишлаб чиқилган. Ушбу услубиёт узоқ муддатли кузатувчи, қисқа муддатли кузатувчи ва бошқалар учун қўлланмаларда акс этган. Қўлланмаларда кузатувчиларнинг ролидан бошлаб маъмурий ва моддий-техникавий хусусиятга эга ҳамда хавфсизлик масалаларини жамлаган масалалар қамраб олинган.

Ҳозирги вақтда ДИИҲБ сайлов миссиясида қисқа (ҚМК) ва узоқ (УМК) муддатли кузатувчилар катта роль ўйнайдилар. УМҚ сайлов кунидан 6 – 8 ҳафта олдин, ҚМК эса сайловдан 3 – 5 кун олдин сайлов ўтказаётган давлатга кириб келадилар. УМҚ ДИИҲБ томонидан, ҚМК эса давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юбориладиган кузатувчилардир.

ҚМҚ маълумотлари асосида тайёрланган УМКнинг ҳисоботлари сайлов учун масъул органларнинг самарадорлиги ва холислиги, сайлов соҳасидаги қонунлар ва қоидаларнинг бажарилиши, сайлов кампаниясининг хусусияти ва тегишли фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқларнинг ҳимоясига хизмат қилади. УМК орқали ДИИҲБ сайлов жараёнини тўла кузатиш ва холис ҳисоботлар тузиш имкониятига эга. ДИИҲБни сайловлар натижалари қанчалик ҳалол, аниқ ва ўз вақтида тақдим этилиши қизиқтиради.

ҚМК, асосан, сайлов кунидаги тадбирларни кузатишади ва баҳолашади. Сайлов куни ҚМК бутун мамлакатни қамраб олиб, ўзлари бўлган ҳар бир сайлов участкасида овозларни санашда анкеталарни тўлдиради ҳамда шу маълумот орқали мамлакат бўйича сайлов участкалари фаолиятининг манзарасини яратади.

ДИИҲБ сайловларни кузатиш бўйича миссиясини жойлаштирганида қабул этувчи мамлакатдан ташқари ЕХҲТда иштирок этувчи 56 давлат ўзларининг ҳам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли кузатувчиларини юборишга таклиф олади. ДИИҲБ УМК сифатида сайловларни ташкил этиш ва сайлов қонунчилиги соҳасида билимларга ва/ёки сайловларни кузатиш бўйича тажрибага эга шахсларни жўнатиш тўғрисида расмий талаб юборади. УМК мустақил таҳлил ўтказиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, сайловларни ўтказишга масъул бўлган мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари ва номзодлар, шунингдек, тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан узоқ вақт давомида холис муносабатларни ўрнатади.

УМК ўз вазифаларини ДИИҲБ Директори томонидан тайинланадиган сайловларни кузатиш бўйича миссия (СКМ) бошлиғи раҳбарлигида бажаради. СКМ ўз фаолиятини ДИИҲБнинг сайловлар бўйича бўлими билан яқин ҳамкорликда олиб боради. СКМнинг асосий таркибига миссия бошлиғининг ўринбосари, сайловлар бўйича мутахассис, сиёсий масалалар бўйича мутахассис, ҳуқуқий масалалар бўйича мутахассис, ОАВ бўйича мутахассис, статистика масалалари бўйича мутахассис, модий-техникавий таъминот учун масъул, молия масалалари бўйича масъул, парламент аъзолари билан алоқалар учун масъул, узоқ муддатли кузатувчиларнинг мувофиқлаштирувчиси ва хавфсизлик учун масъул киради. Айрим ҳолларда асосий таркибга гендер масалалари ва озчиликни ташкил қилган миллатлар билан боғлиқ хусусиятларни таҳлил этишга масьул бўлган яна иккита мутахассис киритилиши мумкин.

СКМнинг асосий таркиби қабул қилувчи мамлакатнинг ваколатли давлат огани билан алоқада бўлади ва миллий даражадаги вазиятнинг умумий манзарасини қайд этади. Бундан ташқари, у ЕХҲТнинг Парламент ассамблеяси вакиллари ҳамда ДИИҲБнинг сайловларни кузатиши доирасида мунтазам равишда кузатишни амалга оширадиган ва сайловларни кузатиш бўйича ҳалқаро миссияларнинг таркибига кирадиган бошқа парламент кузатувчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилади. УМК жойлардаги барча қисқа муддатли кузатувчилар, шу жумладан парламент кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштиради ва кузатишни маҳаллий шароитларга мувофиқ ўтказиш учун маҳаллий даражада брифинглар ўтказади.

Ўз навбатида, УМКнинг мувофиқлаштирувчиси УМК учун алоқадаги асосий шахс ҳисобланади ва раҳбарликни, қўллаб-қувватлашни ва йўриқнома ўтказишни амалга оширади. Асосий таркибнинг тегишли мутахассислари УМКга миллий даражада олинган маълумотларга асосланиб, жойларда аниқ масалаларни кузатиб боришни тавсия қилиши мумкин. ДИИҲБнинг сайловларни кузатиш услубиёти шахсий хулосаларга қараганда жамоавий хулосаларга кўпроқ аҳамият беради. УМКни халқаро командаларда икки кишидан иборат, одатда, сайлов кунидан олти ҳафта илгари жойлаштириш СКМнинг бутун сайлов жараёни давомида кенг минтақавий вакиллигини таъминлайди. УМК мунтазам равишда миссиянинг бошлиғига УМК мувофиқлаштирувчиси орқали ҳисоботлар тақдим этади. УМК ва ҚМҚнинг ҳар бир командаси таржимон ва ҳайдовчи билан таъминланади.

ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси томонидан УСК фаолиятига оид таклиф-тавсияларнинг миллий сайлов тизимида акс этганлиги

2019 йил 22 декабрда ўтган парламент сайловларини кузатиш бўйича ЕХҲТ ДИИҲБ миссиясининг якуний ҳисоботида сайлов қонунчилигидаги ижобий ўзгаришлар баробарида, жами 32 та тавсиялар берилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан мазкур тавсияларни ўрганиш ва амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилганлиги, умуман, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу ва бошқа мақбул тавсияларни мунтазам ўрганиш ҳамда қонунчилик ва амалиётга киритиш ташаббуси эътиборга лойиқдир.

Масалан, ДИИҲБ миссияси томонидан берилган МСК сайлов участкаларида сайлов куни бунга ваколати бўлмаган бегона шахсларнинг туришига қарши қатъий чора кўриши, мутасадди органлар УСК фаолиятига аралашаётган шахсларга қарши чора кўриши лозимлиги тўғрисидаги тавсияси МСКнинг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомининг 67-бандида ўз аксини топган. Ушбу талабга кўра, сайлов куни овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида қуйидагилар ҳозир бўлиши мумкин:

– тегишли участка сайлов комиссияси аъзолари;

– тегишли округ сайлов комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари;

– сиёсий партияларнинг кузатувчилари;

– оммавий ахборот воситалари вакиллари;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари;

– бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар;

– сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар.

Овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишига рухсат этилмайди. Бинода ушбу зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссиясининг зиммасида бўлади.

Участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслар (сайловчилардан ташқари) тегишли комиссиялар томонидан берилган мақомини тасдиқловчи мандат (гувоҳномаси) ни бошқаларга кўринадиган ҳолда таққан бўлишлари шарт.

Участка сайлов комиссияси овоз бериб бўлган сайловчини бинодан чиқариб юбориш чораларини кўради.

ДИИҲБ миссияси томонидан берилган қонунчиликка кампания даврида давлат ресурсларини суиистеъмол қилиш масаласини ҳал этадиган аниқ нормалар киритилиши лозимлиги тўғрисидаги тавсияни инобатга олган ҳолда 2021 йил 8 февралдаги ЎРҚ–670-сон Қонуни билан Сайлов кодексининг 44-моддаси қуйидаги меъёрлар билан тўлдирилди:

«Қуйидагиларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланади:

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг;

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг;

– сайлов комиссиялари аъзоларининг;

– диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партиянинг ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади».

ДИИҲБ миссияси томонидан берилган «шаффофликни ошириш мақсадида, партиялар сайлов кунидан олдин сайлов билан боғлиқ харажатлари ҳақида оралиқ ҳисоботини беришини талаб этиш мақсадга мувофиқдир» деган тавсияни инобатга олган ҳолда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилди:

«Сиёсий партия ҳар йили қонунчиликда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт. Сиёсий партия сайловда иштирок этишини

молиялаштириш учун ўзига ажратилган давлат маблағлари юзасидан сайлов кунида оралиқ ҳисоботни, сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин эса якуний ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади».

Хорижий (халқаро) кузатувчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Хорижий (халқаро) кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

– номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

– сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

– сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш;

– муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;

– сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериши жараёнини кузатиш;

– овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш;

– сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

– кузатув олиб бориш давомида ўзи ёллаган таржимон ҳамроҳлигида бўлиш;

– сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);

– кузатув натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;

– сайловолди ташвиқоти белгилари бўлмаган, фамилияси, исми ва отасининг исми, ўзи вакиллик қилаётган ташкилотнинг номи кўрсатилган кўкрак нишонлари тақиш;

– округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;

– ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши;

– агар сайлов участкасида сайловга оид қонунчилик ва халқаро нормалар талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек, юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш;

– сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш.

Хорижий (халқаро) кузатувчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг мажбуриятлари:

– ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, жумладан Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига амал қилиш;

– сайлов устидан халқаро кузатувни амалга ошириш борасидаги ўз вазифаларини холислик, сиёсий бетарафлик принципларига амал қилган ҳолда бажариш, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, сайлов жараёни иштирокчиларига нисбатан қандай бўлмасин бирон бир тарзда афзаллик билдиришдан воз кечиш;

– барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кирганида МСК томонидан берилган мандатни шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўрсатиш;

– ўз хулосаларини ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материаллар билан асослантириш.

Хорижий (халқаро) кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

– сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

– фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон бир ташвиқот материалини ёки адабиётини тарқатиш;

– сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

– сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш жараёнига аралашиш;

– бирон бир партия ёки номзодга тегишли рамзий тусдаги белгиларни тақиб ёки олиб юриш;

– сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларда иштирок этиши МСК томонидан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Назорат учун саволлар

1. Кимлар сайловларда халқаро кузатувни амалга оширишлари мумкин?
2. Сайловларни кузатиш бўйича қандай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган?
3. Мамлакатимизда хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг фаолияти қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади?
4. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколат муддати қачондан бошланади ва тугайди?
5. Хорижий (халқаро) кузатувчининг мақоми қандай ҳужжат билан тасдиқланади?
6. ДИИҲБ сайлов миссиясида узоқ муддатли кузатувчилар қандай роль ўйнайдилар?
7. Сайлов куни ДИИҲБ сайлов миссияси қисқа муддатли кузатувчилар овоз бериш куни ўзлари бўлган сайлов участкасида кузатувларини нимада акс этишади?
8. ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси томонидан УСК фаолиятига оид қандай таклиф-тавсияларнинг миллий сайлов тизимида акс этганлигини биласиз?
9. Халқаро кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?
10. Халқаро кузатувчилар зиммасига қандай мажбуриятлар юкланган?
11. Халқаро кузатувчиларга нима тақиқланган?